O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 7-AVGUST ■ SHANBA ■ 92 (27.267) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## БОКСЧИЛАРИМИЗ АФИНАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

БОКС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ГРЕЦИЯ ПОЙТАХТИ АФИНА ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ



Тошкент аэропортида олимпиячиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлди.

— Юртимиз мухлисларининг боксчиларимиздан олимпия медалларини кутаётганини барчамиз ҳис қилиб турибмиз, — деди терма жамоа бош мураббийси Шароф Худойбердиев ЎзА мухбирига. — Чунки бунгача ҳам Олимпиадалардан мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари қуруқ қайтмаган. Афина Олимпиадасига тайёргарлик уч босқичда — Зомин, Янгиобод ҳамда Тошкент шаҳридаги спорт базаларида ташкил этилди. Боксчиларимиз Россияда ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этди.

— Боксчиларимизнинг Тошкент шаҳридаги машғулотларида қатнашдим, — дейди жаҳон, Осиё ва Сидней Олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев. — Терма жамоа асосан ёш боксчилардан ташкил топган. Албатта, Афина Олимпиадаси уларнинг аксарияти учун жиддий синов бўлади. Лекин жамоамиздаги жаҳон ва Олимпиада ўйинлари совриндорлари ёшларга ўрнак бўлади, медаллар сони ҳам ошади, деган умиддаман.

Афинада юртимиз шарафини тўққиз нафар боксчи — Тўлашбой Дониёров, Баҳодир Султонов, Беҳзод Хидиров, Дилшод Маҳмудов, Шерзод Ҳусанов, Шерзод Абдураҳмонов, Ўткирбек Ҳайдаров, Игорь Алборов ҳамда Рустам Саидов ҳимоя қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Суратда:** кузатиш маросимидан лавҳа.

**Шавкат АКРАМОВ**
**олган сурат**

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**







## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

### «БУРСЕЛ ТОШКЕНТ ТЕКСТИЛЬ МЧЖ» ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ИЛК МАҲСУЛОТЛАР КАРВОНИ АҚШга ЙЎЛ ОЛДИ




Яқинда АҚШ ва Европанинг қатор давлатлари дўконларида «Made in Uzbekistan» тамғаси туширилган эркаклар, аёллар ва болажонларнинг турли хил кўйлаклари, футболка ва бошқа кийим-кечаклар пайдо бўлади. Зеро, пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ва асосий сармоядор — Туркиянинг «Бурсел текстиль» компанияси ҳамкорлиги меваси — «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» ўзбек-турк қўшма корхонаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Умумий лойиҳа қиймати 40 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бу йирик мажмуа тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, йилига 56 миллион 880 минг донадан зиёд трикотаж буюмлар тайёрлай бошлайди.

— Ҳозиргача 564 минг донадан зиёд аёллар кийим-кечакларини имзоланган шартномаларга кўра АҚШга етказиб беришни мўлжаллаб турибмиз, — **дейди қўшма корхона бош директори Фазлиддин Сирожиддинов.** — Чунки, корхонамизни барпо этишдан мақсад ҳам Шаҳрисабз ҳамда Чинноздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» ва «Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ип-калава, шунингдек, трикотаж матоларини мазкур корхонада бўяш, пардозлаш ва тикиб, тайёр маҳсулотга айлантиришдан иборат эди. Маҳсулотларнинг 80 фоиздан зиёдини хорижга экспорт қилиш мўлжалланган...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки; бўяш-пардозлаш ва тикув фабрикаси Марказий Осиёда ягона. Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 30 фоизидан кўпроғи фақат болажонларимиз кийимлари бўлади. Бундан ташқари, бу ерда 1500 нафардан зиёд маҳаллий йигит-қизлар иш билан таъминланади. Яна бир гап: фабрика Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ҳамда «Опек» халқаро жамғармаси кредитлари ҳисобига барпо қилинмоқда. Ҳозир умумий саҳни 30 минг квадрат метрни эгаллаган корхона цехлари АҚШ, Япония, Италия, Швейцария ва Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ҳисобига бойимоқда. Қўшма корхона фойдаланишга тўла топширилгач, йилига 30 миллион АҚШ доллари қийматида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хорижга кўпроқ экспорт қилиш имконини туғдиради.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** корхона раҳбари Ф.Сирожиддинов тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда; ишчи Х. Имомбердиева; туркиялик мутахассис Г.Гюнеш маҳаллий ёшлар билан; тикув цехида.

**Дилшод ЮСУПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ҲУКУМАТИГА МУРОЖААТ

2004 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасида содир этилган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар бизни қаттиқ ғазабга солди.

Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитасининг барча аъзолари номидан Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига, қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз, жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаймиз.

Биз бу жиноий ҳаракатларни кескин қоралаймиз. Дўст ўзбек халқи билан ҳамиша ҳамкор ва ҳамжиҳатмиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро террорчиликнинг барча шакл ва кўринишларига қарши курашдаги принципиал позициясини қўллаб-қувватлаймиз.

**Таро АСО,**
**Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитаси раиси**

## ЎзА ШАРҲИ

*2004 йилда Японияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитаси тузилди. Унга Япониянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий доираларининг энг нуфузли вакиллари, жумладан, Парламент депутатлари, вазирлар, етакчи банклар ва корпорациялар раҳбарлари, таниқли таълим, фан, маданият ва санъат арбоблари кирган.*

*Ўзбекистонда ҳам Япония билан ҳамкорлик қўмитаси ташкил этилган.*

*2004 йил июлда Токиода икκала қўмитанинг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ҳамда бу ҳақда тегишли Меморандум имзоланди.*

*Қўшма мажлисда Япония қўмитасининг фахрий президенти, собиқ Бош вазир Й.Мори ва қўмита раиси, Парламент депутати, Япония ҳукумати вазири Т.Асо Япония Ўзбекистондан бошқа дунёнинг бирон-бир мамлакати билан бундай қўмита ташкил этмаганини алоҳида таъкидлади. Бу япон халқи ва жамоатчилигининг ўзбек халқига юксак ҳурматининг эътирофи бўлиб, Президент Ислом Каримов томонидан ислоҳотларни жадаллаштириш, Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашга бўлган интилиши ифодасидир.*

**Хорижий сармоялар**

## ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШИЛДИ

2004 йил 31 июль куни Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида Шохпахта конида ишларни давом эттириш бўйича 2004 йил 14 апрелда имзоланган маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим кучга кирганлиги ва сармоялаш лойиҳасини амалга ошириш бошланганлигининг расмий маросими бўлиб ўтди. Қисқа вақт ичида маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимнинг кучга киришини таъминлаш имконини берадиган жуда катта ишлар бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Зарубежнефтгаз» ЁАЖининг (Россия) бевосита иштироки ва кўмаги билан ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи, газ қазиб олиш ва реализация қилиш ҳуқуқи, ер майдони ва тоғли жой ажратиш рухсатномалари расмийлаштирилди ва берилди.

Жорий йилнинг август ойи дастлабки кунлариданоқ табиий газни қазиб олишни бошлаш ва уни Ўзбекистон Республикасининг шимолий чегараларига узатиш имконини берадиган тегишли контрактлар тайёрланди ва имзоланди.

Қазиб олинадиган барча табиий газ ҳажми экспортга йўлланади. Жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий сармоянинг 12 миллион АҚШ долларидан ортиғини ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Шохпахта кони табиий газ захираси мавжуд конлар тоифасига киради. Бу кон 30 йил мобайнида ишлатилиб, ундан 80 фойиз табиий газ қазиб олинган. Қолган захирани қазиб олишни таъминлаш учун хорижий сармоя ҳисобидан илғор технология жалб этилади.

Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим шартларига кўра сармоядор «Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар ҳақида»ги Қонунда кўзда тутилганидек, барча солиқлар ва тўловларни тўлайди ҳамда фойда маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ва сармоядор ўртасида тенг асосда — 50 фоиздан тақсимланади. Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимнинг кучга киритилиши ва сармоялаш лойиҳаси бажарилишининг бошланиши Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар ҳақида»ги Қонуни амалга оширилишининг биринчи амалий натижаси ҳисобланади.

**«Ўзбекнефтгаз» МХК матбуот хизмати**

**Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**

## ЁШЛИКНИНГ ҚУДРАТИ ЖЎШҚИНЛИКДА

### ИСТЕЪДОДЛИ ОЛИМ ТАБИИЙ ВА ЧИҚИНДИ ГАЗЛАРДАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН СУНЪИЙ ЧАРМ ВА ПЛЁНКА ОЛИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ

Мустақиллик бизга нафақат ўзгача яшаш даврини, балки ўзгача фикрлаш имкониятини ҳам берди. Бугун ҳар биримизнинг қалбимизда, ватанпарварлик ҳисси тўлиб тошган, ҳар дақиқа Ўзбекистон манфаати йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишни ўзига шараф деб билаётган юртдошларимиз кўпаймоқда. Асли келиб чиқиши Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан бўлган Нормурод Файзуллаев ҳам ана шундай фидойи инсонлардандир. У саховатпеша ва зиёга ташна оилада дунёга келди. Нормурод илк сабоқни Қоракўлда олди. Ўрта мактабни тугатиб, ўқишга кириш учун Самарқандга келди. Ва Самарқанд давлат университетининг кимё куллиётига ўқишга кирди. Нормуроднинг талабалик даври ҳам ортда қолиб, имтиёзли дипломга сазовор бўлди.

Кейинчалик аспирантурани тугатиб, ўзи сабоқ олган қадрдон даргоҳда ўқитувчилик қила бошлади. У талабалик давридаёқ республика олимпиадасининг ғолиби ва ҳатто, Фан ва техника давлат қўмитасининг грантини қўлга киритишга муваффақ бўлган эди. Аспирантлар ўртасида ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, Президент стипендианти бўлди. У 1998 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ҳозир у университет доценти. Унинг илмий иши амалий жиҳатдан халқ хўжалигига жуда катта фойда келтириши маълум бўлди. Шу боис Нормурод Файзуллаев Ўзбекистон аспирант ва докторантларининг IV республика конференциясида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Меҳнат инсонни улуғлайди, эл-юрт орасида ҳурмат-эътиборга сазовор қилади.



Н.Файзуллаев (чапда) шогирдлари билан

Нормурод ҳам фидойилиги билан қадр топди, маънан юксалди, билимли ва маданиятли инсонга айланди. Энг қувонарлиси, ёш олим табиий ва чиқинди газлардан халқ хўжалиги учун муҳим бўлган сунъий чарм ва плёнка олишга муваффақ бўлди. Қолаверса, у лаборатория шароитида энг яхши эритувчи ҳисобланган ацетон олди. Ацетон энг кўп ишлатиладиган эритувчи бўлиб, у лак-бўёқ, синтетик тола, киноплёнка, ўқ-дори ишлаб чиқариш учун зарур хомашёдир. Ромларга безак берувчи материаллар, венил хлориддан калиш, ленолиум ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Унинг 80 дан ортиқ илмий мақолалари АҚШ, Россия, Германия, Канада, Туркия сингари мамлакатларнинг нуфузли журналларида эълон қилинди.

2002 йилда Нормурод Файзуллаев Нью-Йорк Фанлар академияси аъзолигига қабул қилинди. Бу эса ёш олим олдида янги имкониятлар яратди. Ҳозир у кашфиёти учун 2 та патентга эга. Яқинда Нормурод фан докторлиги олиш учун бошланган илмий изланишларини якунига етказди. Эндигина 32 баҳорни қаршилаётган йигитнинг ҳали орзу, мақсадлари кўп. Келажак — ёшларники. Ёшликнинг қудрати жўшқинликда. Бу жўшқинлик эса мамлакатни тараққиётга элтувчи кучдир.

— Ўзбекистон Республикаси жуда катта нефть ва табиий газ захираларига эга, — дейди Нормурод Файзуллаев. — Улардан оқилона фойдаланиш кимё саноатини юксак даражада ривожлантиришга имкон туғдиради. Дунё амалиётида чиқиндилардан фойдаланиш муаммоси аллақачон ижобий ҳал этилган. Бу экологик жаҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам фойда келтириши исботланган. Ўзбекистонда ҳам бу масалани йўлга қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳар йили республикамиз атмосферасига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар қўшилмоқда. Энди чиқиндисиз, экологик жиҳатдан тоза, юқори сифатли ва рақобатбардош технологиялардан фойдаланиш даври келди. Бу олдимизда турган кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифалардан биридир. Яна бир ҳақиқат шуки, жараёнларни тезлаштирувчи моддаларни четдан излаш керак эмас, балки уларни ишлаб чиқаришни ўзимизда йўлга қўйишимиз лозим.

Ўзбекистон тамғаси босилган маҳсулотлар қанча кўпайса, хориждан валютага сотиб олаётган «қимматбаҳо» материал олишни камайтирсак, биз шунча тез муваффақиятларга эришамиз.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2005 йилни Халқаро физика йили, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

## 2005 ЙИЛ — ХАЛҚАРО ФИЗИКА ЙИЛИ

Қарорда қайд этилишича, физика инсониятнинг табиатни англаш, теварак-борлиқ сир-синоатларини тадқиқ этиб, ундан кишилик жамияти учун самара келтириш йўлидаги интилишларда марказий ўрин тутади.

2005 йилнинг Халқаро физика йили сифатида эътироф этилишига яна бир сабаб шуки, келаси йил машҳур олим Альберт Эйнштейннинг физика соҳасида эришган йирик ихтироларига бир аср тўлади. Маълумки, 1905 йилда А.Эйнштейн фотоэлектрон таъсир, электромагнит энергияси ва радиация, нисбийлик назарияси борасида оламшумул янгиликлар қилган эди.

Халқаро физика йили муносабати билан тадбирлар ўтказиш масъулияти ЮНЕСКО зиммасига юклатилган. Шунга мувофиқ, ЮНЕСКО дунё мамлакатлари ҳукуматлари, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро физика йили доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

**Фарҳод АРЗИЕВ,**
**«Жаҳон» АА**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Халқ демократик партияси ҳаётидан**

# МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ — БУРЧИМИЗ

— дейишмоқда жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайловларга пухта ҳозирлик кўраётган ЎзХДП Тошкент вилоят ташкилоти фаоллари

ЎзХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинарларида партия кенгашларининг сайлов округлари доирасидаги партия гуруҳлари билан ишлаш тажрибаси ва уларнинг ишини фаоллаштириш йўллари тўғрисида атрофлича фикрлар юритилди.

— Сайловларда ўз номзодини қўйган шахс энди сайловчини «кўчангга тош тўкиб бераман, уйингни газлаштираман» деган қуруқ ваъдалар билан қўйнини пуч ёнғоққа тўлдира олмайди, — деди семинарда **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов.** — Бугунги сайловчи бўлғуси депутатнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши тушунади. Шундай экан, халқ мавжуд сиёсий партияларнинг қай бири қандай мавқега эга эканлигини, ким нимага қодирлигини фарқлай олади.

Чирчиқ шаҳрида 80 минг нафар сайловчи бор дейди, — **Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Дониёр Азизхўжаев.** — Ваҳоланки, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловда бир сайлов округини ташкил этиш учун камида 120 минг сайловчи бўлиши лозим. Демак, яна 40 минг сайловчи етишмайди. Шундай экан, бу масала бизнинг олдимизга қўшимча вазифалар қўяди, ишимизни бирмунча мураккаблаштиради. Бу муаммолар ҳақида ҳозирданоқ бош қотиришимиз фойдадан холи эмас.

Баҳс-мунозараларга бой ва кескин танқидий руҳда ўтган минтақавий семинарда бошқа фикрлар ҳам ўртага ташланди.

— Сайловлар йилида биз кўзлаган мақсад ва вазифалар ўта мураккаб, — деди жумладан, **ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши биринчи котиби Рихсивой Маҳаматов.** — Агар «Олма пиш, оғзимга туш» деб қўл қовуштириб, аъзоларимиз сонининг кўплигига маҳлиё бўлиб ўтирадиган бўлсак, сайловларда кутилган натижага эришиш мушкул. Шу боис, ҳозирданоқ, халқ орасида партиямизнинг дастурий мақсадлари, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур. Партия сафларидаги жипсликни ошириш, партия эртасини ўйлайдиган жонкуяр аъзолар сонини кўпайтириш, қолаверса, олдинги сайловларда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик кўзланган мақсадга эришишга кўмаклашади.

**Соҳибжон ТЎХТАМУРОДОВ**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Бухоро шаҳар партия кенгаши** «Аёл ва сиёсат» мавзуида «давра суҳбати» ташкил қилди. Тадбирга йиғилган хотин-қизлар икки палатали парламент, бўлажак сайловларда аёлларнинг ўрни ва уларнинг сиёсий маданияти тўғрисида фикрлашдилар.

●●●

Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари **Қоракўл туман** Кенгашига сайланган Жўрақул Баракаев ҳамда Саъдулло Бозоровлар ўз сайловчилари билан учрашиб, депутатлик фаолиятлари юзасидан ахборот бердилар.

●●●

**Косонсой туманидаги** уруш ва меҳнат фахрийларининг сиҳатгоҳида ЎзХДП аъзоларидан бир гуруҳи бўлажак сайловларга бағишланган маданий-маърифий тадбир ташкил қилди. Жиззах вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж.Исроилов бўлажак сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДПнинг олиб бораётган оммавий-сиёсий, амалий ишлари тўғрисида йиғилганларга гапириб берди. Сўзга чиққан ХДП аъзолари партия сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнггида Косонсой туман маданият уйининг санъаткорлари концерт дастурини намойиш этдилар.

●●●

**ЎзХДП Наманган туман** кенгаши Р.Турсунов номли ширкат хўжалиги бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда партия фахрийси Турсунбой Тожибоев хотирасига бағишлаб кураш бўйича мусобақа ўтказди. Мусобақада қўшни Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳридан ҳам полвонлар иштирок этдилар. Улуғбек Бургут полвон ўғли мусобақа ғолиби бўлиб, туман ҳокимлиги ва ЎзХДП туман кенгашининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

●●●

**Чортоқ туман партия кенгаши** «Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округларида партия гуруҳлари раҳбарларининг вазифалари» мавзусида йиғилиш ўтказди. Унда келгуси сайловлар билан боғлиқ тушунтириш ишларининг аҳволи, депутатликка номзодларни танлаш ва оммага таништириш тартиблари кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ХАЛҚ ИШОНЧИГА САЗОВОР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ ЖЎРАҚУЛ ИСРОИЛОВ

**— Жўрақул ака, мамлакатимизда парламент ислоҳотининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Янги, икки палатали парламентни шакллантириш ва парламент фаолиятининг муҳим йўналишлари белгиланган қонунлар қабул қилинди. Уларда парламент фаолиятининг кўппартиявийлик асосида шакллантирилиши асосий тамойиллардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Бундай шароитда мамлакатдаги мавжуд сиёсий партиялар ўртасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда ғолиб чиқиш учун рақобат муҳитининг пайдо бўлиши табиий. Шу ҳақда сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик?**

— Сайловлар муносабати билан партиялар ўртасида рақобат, кураш кетаётганлиги бор гап. Лекин шу кураш ёхуд рақобатнинг қандай бўлиши зарурлиги ҳақида тўхталишдан олдин парламент ислоҳоти тўғрисида фикр билдирмоқчи эдим. Парламент ислоҳоти деганда умумий, мавҳум бир нарсани эмас, балки мамлакатда қонунчилик жиҳатидан ва амалиётда парламентчилик демократиясининг шундай даражага етишганлигини тушунмоқ керакки, токи у ҳам шаклан, ҳам мазмунан бутун жаҳонда қабул қилинган демократик андозаларга тўла жавоб берадиган даражада бўлсин. Икки палатали парламентнинг амалда шакллантирилиши эса вакиллик демократияси тизимида сиёсий партиялар аҳамиятини ошириш ва уларнинг парламент фракцияларини парламент фаолиятининг асосий бўғинига айлантиришдаги ролини кучайтириш сари қўйилган амалий қадамдир. Албатта, бундай вазиятда мавжуд сиёсий партиялар парламентдан кўпроқ ўрин олиш, ўзлари тавсия этаётган номзодларнинг сайловларда ғолиб чиқишига эришиш учун ҳаракат қилади. Партиялар ўртасидаги бундай ҳаракатни рақобат дейиш керакми ёки кураш деб аташ ўринли бўладими, буни энди ҳар ким ўзи билади. Аммо, мен шуни истардимки, бу хоҳ рақобат бўлсин, хоҳ кураш, аввало беғараз, соғлом тарзда бўлсин, ҳалол бўлсин. Шундагина у фойдали бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сайловолди тайёргарлик ишлари, тарғибот-ташвиқот жараёнларини партиялар бир-бирларини камситмаган, обрўсини тўкмаган, ҳақоратларга ўрин қолдирмаган тарзда олиб борса, дейман. Чунки, бошқа бир партиянинг юзига лой чаплаш, уни ёки унинг номзодини ёмонотлиққа чиқаришга уриниш ҳеч бир партияга обрў олиб келмаслиги аниқ.

**— Сизнингча, у ёки бу партиянинг сайловларда ғолиб чиқиши нималарга боғлиқ?**

— Кўп нарсага боғлиқ. Биринчиси ва таъбир жоиз бўлса, муҳими, бу муайян партиянинг муайян ҳудуддаги обрў-эътибори ҳисобланади. Зотан, бундай обрў-эътибор шу ҳудудда кўп нарсани ҳал қилиши ҳеч гап эмас. Партиянинг обрў-эътибори нималарга боғлиқ, деган савол пайдо бўлиши табиий. Менимча, партиянинг обрў-эътибори унинг аъзолари, фаоллари кимлар эканлигига, уларнинг меҳнатлари, фидойиликларига боғлиқ бўлади. Қаерда, қайси партиянинг иши билан сўзи бир бўлса, халқ ичига, одамлар орасига кириб борса, элнинг дарди билан яшаса, кўпчиликка алоқадор муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларни ҳал қилишга ҳиссасини қўшса, ўша ерда унга эргашувчилар, унга ишонадиганлар, уни қўллаб-қувватлайдиганлар ҳам кўпаяди.

Иккинчи ва шубҳасиз, биринчиси билан узвий боғлиқ бўлган жиҳат эса партиянинг ҳудуддаги лидери, етакчиси қандай салоҳиятга, қандай ҳурматга эга эканлигидир. Чунки, у ёки бу партиянинг жойлардаги лидерлари ёниб, куйиб ишлайдиган, элим, юртим дейдиган, ғайратли, тадбиркор кишилар, кўпчиликни ўз ортидан эргаштиришга қодир инсонлар бўлса, ўша ерда шу партияга хайрихоҳ фуқаролар сафи ўсади. Бўлажак сайловларда қайси партиянинг ғолиб бўлиши, аввало, шу партиянинг халқ ичидаги обрўсига, одамлар, сайловчиларнинг ишончига қай даражада сазовор эканлигига боғлиқ бўлишини унутмаслигимиз керак.

**— Сайловолди тайёргарлик ишлари қизғин паллага кираётган айни пайтда партиялар ўртасидаги алоқа, ҳамкорлик масалаларига қандай қарайсиз?**

— Мени анчадан бери безовта қилиб келаётган саволни ўртага ташладингиз. Тўғрисини айтганда, вилоятда бешта партиянинг қуйи бўғинлари фаолият юритаётганига қарамасдан, бизлар бир-бирларимизнинг ҳол-аҳволимиздан тузукроқ хабардор ҳам эмасмиз. Очиғи, ҳар қайсимиз ўзимизнинг кўмочимизга ўзимиз кул тортиш билан оворамиз. Ҳатто, қайсидир шахсий манфаатларини кўзлаб бир партиядан бошқасига ўтиб кетиш каби ҳолатлар ҳам юз бериб турибдики, бундай пайтда ҳар иккала томон бундай партия аъзосининг хатти-ҳаракатига муносиб баҳо бермаяпти. Баъзида эса эътиқодини бундай тез-тез ўзгартириб турувчиларнинг ёнини оладиганларнинг ҳам топилиб қолаётгани-чи? Албатта, ҳар ким истаган партиясига аъзо бўлиб киришга ёки чиқишга ҳақли. Лекин бугун буниси, эртага бошқаси, индинга эса яна бошқасига ўтиб кетаверишдек беқарорликни, қунимсизликни, эътиқоддаги заифликни қандай оқлаш мумкин?

Қанийди, алоқалар яхшиланса, ҳамкорлик изга тушса. Ахир, партиялар ҳар хил номланган, Дастурлари, Низомлари турлича, ҳаракат услублари ва йўналишлари ҳар хил бўлса-да, пировард мақсад муштарак эмасми? Тўғри, халқимизда «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» деган гап бор. Шундай бўлгач, сиёсий партиялар ўртасида ҳам баҳс-мунозара зарур. Аммо, бундай баҳс-мунозараларнинг ҳақиқий, ҳалол бўлиши тарафдориман.

**— Сиз етакчилик қилаётган партия кенгашида сайловолди ташкилотчилик, тарғибот ишлари қандай йўлга қўйилган? Бу ишлардан ўзингиз қаноат ҳосил қилаяпсизми?**

— Вилоятдаги мавжуд 700 та бошланғич партия ташкилотларида сайловларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. 257 та партия гуруҳлари ташкил қилинган. Улардаги фаолларимиз бу галги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи, янги парламент палаталарининг шаклланиши, уларнинг ҳамкорлик принциплари, қуйи палата билан юқори палатанинг нима эканлиги, сиёсий партиялар фракцияларининг мақоми, ҳуқуқ ҳамда ваколатлари бўйича сайловчилар, партиядошларимиз ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораяптилар. Жойларда депутатликка номзод қилиб эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга муносиб, мустақил фикрига эга мутахассисларни, инсонларни кўрсатиш масаласига алоҳида аҳамият бериш кўзда тутилган. Токи, улар сайловларда ғолиб бўлиб, партиядан кўрсатилган депутат сифатида халқимиз манфаатларини ҳимоя қилсин. Яқинда партиямизнинг бошланғич ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва туман ҳамда шаҳар ташкилотларининг конференцияларида партия ташкилотларининг беш йиллик фаолияти талабчанлик билан таҳлил этилиб, фаолиятнинг келгуси йўналишлари белгилаб олинди. Уларда бугуннинг ўнлаб муаммолари, уларни ечиш бўйича кўплаб жўяли таклифлар, фикр-мулоҳазалар айтилдики, айни пайтда бу таклифлар, фикр-мулоҳазалар жамланиб, тегишли тартибда давлат ҳокимияти ижроия идоралари олдига қўйилмоқда. Албатта, тарғибот, оммавий-сиёсий ишларимизни рисоладагидай, деб айтолмаймиз. Уларда доимийлик етарли эмас. Фақат қандайдир тадбирлар баҳонасида ишларимиз жонланиб қолаётгандай. Режада белгиланган тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласида ҳам аксарият ҳолларда оқсаб қолаяпмиз. Бундай ҳолатларни Арнасой, Пахтакор, Янгиобод, Жиззах туман кенгашлари фаолиятида кўпроқ кўриш мумкин. Шуларга қарамасдан вилоятимизда партиямизнинг ўзига хос ўрни ва мавқеи борки, буни бўлажак сайловлар якунида яққол кўрамиз, деган умиддаман. Чунки, халқ ишончига сазовор бўлиш нақадар мушкул бўлмасин, баҳоли қудрат бунинг уддасидан чиқишга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Суҳбатдош: Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ФИРМА ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

Хоразмда Туямўйин сув иншоотидан воҳага тортилган қувурларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунларда «Туямўйин — Манғит» йўналиши бўйлаб катта босимли сув қувури орқали Қўшкўпир тумани аҳлига тоза ичимлик сув етказиб бериш лойиҳаси ўз ижросини топмоқда. Бунда ҳамюртларимизга Германиянинг «НипонКОЭ» лойиҳалаш фирмаси яқиндан ёрдам бераяпти. Лойиҳа амалга ошгач, бу ердаги барча қишлоқларда истеъмол суви сифати ва ҳисоб-китоби доимий назоратда бўлади.

**Рўзимбой ҲАСАН**

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОЛАЛАР ЯНА ҒОЛИБ

*Токиода болаларнинг атроф-муҳит мавзуидаги расмлари V халқаро танлови якунланди. Унда ҳакамлар ҳукмига жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан юборилган қарийб 13 мингта асар ҳавола этилди.*

Таъкидлаш лозимки, ўзбекистонлик ёш рассомлар 2003 йил танловида юқори натижаларга эришган эдилар. Бу гал ҳам вакилларимиз ўзларининг юксак истеъдодларини муносиб тарзда намойиш этдилар.

12 ёшли Шаҳриёр Абдуллаев «Сумалак» деб номланган асари билан биринчи мукофотни қўлга киритди. Ёш мўйқалам устаси 14 ёшли Хуршид Иброҳимовнинг «Улоқ» номли иши эса махсус мукофотга лойиқ деб топилди. Яна бир юртдошимиз 13 ёшли Лена Иванова «Табиат ва оила» расми учун Фахрий ёрлиқ эгаси бўлди.

Токио шаҳри марказида жойлашган Кейданран биносида танлов ғолибларининг ижодий ишларидан тузилган махсус кўргазма санъат ихлосмандлари учун намойиш этилди.

**Беруний Олимов, «Жаҳон» АА, Токио**

# ҚУЁШЛИ АНСАМБЛЬ ГОЛЛАНДИЯГА НУР СОЧДИ

Голландиянинг Бруннсум шаҳрида ЮНЕСКОнинг фольклор ва халқ санъати халқаро кенгаши шафеълигида ташкил этилган анъанавий «Бруннсум намойиши» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Бу йилги фестивалда илк маротаба Муборак Мирзаева раҳбарларигидаги Тошкентнинг «Ассалом қуёш» рақс жамоаси иштирок этди. Сўнгги йилларда ушбу жамоа санъат усталари дунёнинг турли қитъаларидаги халқаро фольклор ва рақс фестивалларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.

Дунёнинг 25 фольклор гуруҳлари орасида «Ассалом қуёш» жамоаси мутахассислар ва мухлислар эътиборини жалб этди. Санъаткорларимиз ижросидаги миллий рақслар залга йиғилган барча томошабинларга манзур бўлди. Бруннсум мэри Клеменс Брокеннинг эътирофига кўра, фестивалда ўзбекистонликларнинг иштирок этиши кутилмаган совға бўлди.

«Ҳатто фестиваль ташкилотчилари ўзбек санъаткорларининг бунчалик ёрқин тақдимотини кутмаган эдилар. Бу йил юртимизда булут ва ёғингарчилик кўп бўлди, бироқ «Ассалом қуёш» бамисоли Голландияга қуёш нурини олиб келди», дейди фестиваль директори Тео Оферманс.

**Ж.МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА**
Брюссель

# ЎЗ УЙИМИЗНИ, ЎЗ ЮРТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙМИЗ!

## ХИЁНАТ

Душман билан тил бириктириб, унинг лашкари бостириб келганда юрт дарвозасини хуфёна очиб берган разил одамлар хоин аталгани тарихдан маълум.

Бугун курашлар у ёки бу мамлакатни босиб олиш, унга четдан туриб ҳукмронлик қилишга интилишларнинг усуллари ўзгарди. Террор деган офат пайдо бўлди. Бу офат турли қиёфада намоён бўлмоқда, ўз домига ақли ноқис касларни, очкўзлик дардига учраган кимсаларни, Ватан туйғусидан, халқ туйғусидан бехабар манқуртларни тортиш ҳисобига башариятга хиёнат қилмоқда. Дунёнинг тинчини бузиш, мамлакатлар ривожини сусайтириш, одамни бангилик гирдобига дучор қилиш эвазига инсониятни таҳликада тутиб туришга интилмоқда.

Ачинарлиси шундаки, бу ғаламисликка хизмат қилувчи малайлар ҳам топила қолмоқда. Шу йил март ойининг сўнгги кунларида ва апрелнинг дастлабки куни портлашлар содир этиб, бир неча бегуноҳ ватандошимизнинг қурбон бўлишига олиб келган, июлнинг сўнгги кунида ўша разолатни такрорлаган нотовонларнинг ўз юрти дарвозасини ёвга хуфёна очиб берган хоинлардан нима фарқи бор? Шукрки, улар ожиз ва ночор малайлар. Каттароқ луқма эвазига қурбон бўлган очкўзлар, холос. Шукрки, Парвардигор уларга ниятига яраша қисматни ато этди. Улар инсонликка иснод келтирдилар.

Уларнинг қилмиши, олисдан кузатиб турган хўжаларининг ёвуз ниятлари, ўз истиқболи йўлини аниқ белгилаб олган алпона одимлари, ёрқин заковати билан дунё саҳнасида ўзлигини намоён қилаётган халқимизни чалғита олмади. Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига монелик қила олмади. Бизнинг бой имкониятларимизга, бурдимиз ва садоқатимизга суянган, ҳамкорликка қўл чўзаётган давлатлар, халқлар ишончига соя сололмади. Сололмайди ҳам.

Фақат бу қабоҳатни энг муқаддас бойлигимиз бўлган динимиз номи билан ниқоблашлари алам қилади. Бу энди диндорлик ниқобига кириб динга хиёнат, мусулмонликка хиёнатнинг ўзгинаси.

Ахир мусулмонликда қон тўкиш ҳам, ўз жонига қасд этиш ҳам гуноҳи кабир эмасми?! Ўзини дин ҳомийси, адолатпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлганларнинг ёвуз кирдикорларини ҳақ ҳам, халқ ҳам кечирмагай! Эсини йўқотиб уларнинг домига илинганлар буни унутмасликлари керак.

**Ҳабиб САЪДУЛЛА, Ўзбекистон халқ шоири**

## ЯХШИ КУНЛАРНИНГ УВОЛИ ТУТАДИ

Мен ўз ҳаётим давомида кўп аччиқ-чучук кунларни кўрдим. Собиқ шўро замонида хўжалик раҳбари бўлиб ҳам ишладим. Совет тузуми бошимизга қандай балоларни солганини биз қариялар яхши биламиз. Бировларга қарам эдик, Дўқ-пўписадан, турли тазйиқлардан бошимиз чиқмасди. 1980-йилларда «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган туҳматларга қолиб, қанча азият чекдик. Биргина бизнинг тумандан юзлаб одамлар тергов қилинди. Тергов пайтида ўлганлар бўлди.

Бугун мамлакат мустақил бўлган бир пайтда террорчилар пайдо бўлгани, уларнинг қабиҳ ишларини кўриб, тўғриси, ўйлаб ўйимга етмайман.

Бегуноҳ одамларни қурбон қилаётган, халқнинг кўнглига ваҳима солмоқчи бўлаётган бу юртфурушлар нимага эришмоқчи ўзи?

Томорқасидан чиққан маҳсулотни сотгани учун ҳам «савдогар» деб овораи-сарсон қилинган одамлар бугун ўзининг ерига, ўзининг тракторига эга бўлса, пахта, шоли етиштириб, боғ яратиб катта-катта даромад топаётган бўлса, хоҳласа етиштирган мева-чевасини ўзининг «КамАЗ»ига ортиб ёки вагон-вагон қилиб, чет элга чиқариб сотаётган бўлса. Ҳар куни телевизорда Адлия вазирлиги «ҳурматли тадбиркорлар, ўз фаолиятингизга ноқонуний аралашишга йўл қўйманг, бизга мурожаат қилинг, сизни ҳимоя этамиз» деб турган бўлса...

Совет даврида аҳолининг турмуш даражасини ҳар бир хонадондаги телевизор, холодильник, енгил машинанинг бор-йўқлиги билан ўлчашдек одат бўларди. Хонадонингиздаги чет эл телевизорлари, компьютер, биз кексалар ишлатишни ҳам билмайдиган турли аппаратларни санаб чиқинг. Кўчангизда, нечта хонадонда енгил машина борлигини contsananг.

Қишлоғингизда нечта оилада «КамАЗ», трактор борлигини санаанг. Совет даврида «фалончининг трактори бор», деган гапнинг ўзи ваҳима эмасмиди? Шуларни кўриб, билиб турган халқ фаровон ҳаётимизни, тинчлигимизни бузмоқчи бўлаётган бу кимсаларга ҳеч қачон индамай қараб ўтирмайди.

Маҳалламиздаги ҳунармандлар, тадбиркорларни бир-бир хаёлдан ўтказиб чиқдим. Уларнинг турмуш тарзи оддий — ҳалол, пешона тери билан топган нонини тинч ейиш, топганини фақат тўйга, яхши кунларга ишлатиш ниятида елиб-югуришади, орзу-ҳаваслар қилишади. Улар мустақиллик берган неъматларни ўз кўзи билан кўриб, унинг қадрига етадиган одамлар. Уларнинг бари пул топаман, бойийман деган одам учун барча шароитлар яратиб қўйилганини билади. Улар энди ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳам биладилар, кимдир ишига тўсқинлик қилмоқчи бўлса, ўзларини ҳимоя қила оладилар, ҳар қандай бюрократни судга беришади. Бу онгни, бу билимни, бу ҳуқуқни уларга мустақиллик берган. Шу одамлар мустақиллик неъматлари йўққа чиқишини истайдими? Йўқ, истамайди, аксинча бузуқ ниятдаги кишиларга қарши курашади.

Кейинги бир неча йил ичида маҳалламизнинг ўзидан беш киши ҳажга бориб келди. Бу эътиқод эркинлиги, уни амалга ошириш учун шароит ва моддий фаровонлик дегани эмасми? Буни кўриб турган одамлар хом хаёлдаги террорчи ва улар раҳнамоларининг етти пуштига лаънатдан бошқа нима дейди? Лекин, очиғи, фақат лаънатлаш билан чеклансак хато бўлади. Бу бало-қазога қарши ҳар биримиз ҳушёр туриб курашмоғимиз керак. Терроризмнинг илдизи қаерда, қандай қилиб ёшларимизни йўлдан ураяпти? Бу ҳақда ҳар биримиз чуқур ўйлашимиз зарур.

Бешта фарзандим бор. Бировдан олдин, бировдан кейин, дегандек яшаяпмиз. Турмушимизнинг кундан кунга яхшиланиб бораётганлигини кўриб, фарзандларим, набираларим бундан ҳам доришомон кунларда, бундан ҳам бой шу Ватанда яшашларига ишонаман. Бу кунларни уларнинг ўзлари яратадилар. Бу йўлда уларга тўсқинлик қилмоқчи бўлган кучлар, кимсалар Яратганнинг олдида ҳам, қонун олдида ҳам муқаррар жазосини олиши, манфур қилмишлари учун жавоб беришлари тайин. Уларни яхши кунларнинг уволи тутади.

**Элмурод ДАВЛЕТОВ, «Нуроний» жамғармаси Тўрткўл туман бўлими ижрочи директори, ХДП маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби**

Бугунги кунда тиббиётда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда Фарғона вилояти клиник шифохонасида кўпгина ишлар қилинмоқда. 1989 йилда ишга туширилган 12 бўлимдан иборат шифохона 320 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозир бу ерда тўрт юздан ортиқ тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида клиника тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди ва бу ерга хориждан замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди. Шунингдек, шифохонада бюджет маблағларини тежаб, мақсадли ишлатиш учун давлат акциядорлик бирлашмаси доимий ҳаракатдаги ҳайъат (ДХҲ) ташкил қилинган бўлиб, у клиникага келтириладиган асбоб-ускунаю, жиҳоз, дори-дармон нархи ва сифатини текшириб тендер асосида сотиб олади. Бунинг натижасида маблағ тежалиб, қўшимча шароит яратиш имкони туғилмоқда.

— Беморларимиз учун гўшт, сут ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри тайёрловчиларнинг ўзларидан харид қилиб олишни йўлга қўйганмиз, — дейди бош шифокор Ҳусан Мамажонов. — Бу йил бу усулни кенгайтириш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзимиз етиштиришни мўлжалламоқдамиз.

Вилоятда биринчи бўлиб шу ерда танадаги қонни тозалайдиган гемоцорбция ва организмни кислород билан бойитувчи баракамера аппаратлари келтирилиб муолажа учун қўшимча янги бўлимлар очилмоқда.



●●●

**Суратда:** шифокорлар Тўлқин Зокиров, Олег Мадғозиев ва ҳамшира Малоҳатхон Матбобоева жарроҳлик пайтида.

**Қодиржон ЖАЛИЛОВ олган сурат**

# ПОЛИФЕКС ОБЛИГАЦИЯЛАРИ

Мамлакатимиздаги йирик матбаа корхоналаридан бири бўлган Polifeks шўъба корхонаси бир миллиард сўм миқдоридаги корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур маълумот облигациялар чиқарилишининг андеррайтери бўлган «Капитал-банк»дан олинди.

Эмитент матбаа ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ туғаллаш мақсадида энг замонавий матбаа ускуналарини сотиб олишни режалаштирмоқда. Корхона сотиб олмоқчи бўлаётган ускуналар Германиянинг «Koenig und AG Planeta Bogenoffest» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Унинг ишлаб чиқариш қуввати соатига 15 минг босма табоқни ташкил этади. Бу эса йилига ишлаб чиқариш ҳажмини 60-70 фоизга кўпайтириш имконини беради. Янги ускуналар шу йилнинг ноябрь ойида ишга тушади.

Polifeks шўъба корхонасининг бугунги ишлаб чиқариш қуввати йилига 1,5 миллиард сўмдан ошиқроқ товар айланмасини таъминлайди.

Янги ускуналарни ўрнатиш корхона имкониятларини тубдан кенгайтиради. Асосий буюртмачилардан бири UzBATнинг талаблари тўла қондирилади. Шунингдек, корхона ультрабинавша бўёқлардан фойдаланган ҳолда маҳсулотлар тайёрлай бошлайдики, шу пайтгача ускуна йўқлиги туфайли бундай маҳсулот мамлакатимизда ишлаб чиқарилмасди.

**Е. ХЛОПОВСКИХ, «Туркистон-пресс»**

*Ижтимоий муҳофаза — бош масала*

# СУҒУРТА — ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

**Фуқароларни суғурталашни ташкил этиш ва борди-ю суғурта ҳодисаси юз бериб қолганда уларга тезда моддий ёрдам кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда имконият даражасида қўшимча кўмак кўрсатиш, шунингдек, фуқаролар орасида суғурталаш аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси жамоаси меҳнат фаолиятининг асосини ташкил этади.**

**Бу ҳақда компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси директорлиги раҳбари Ислом АМИНОВ шундай дейди:**

— Мамлакатимизда оғир табиий ҳолатлар юз бериб қолган пайтларда тез моддий ёрдам бериш учун фуқароларнинг мол-мулкини, иморатларини, транспорт воситаларини, деҳқончилигини ва умуман ҳаётини суғурталаш учун яхши имкониятлар яратилган. Ҳозир республикамизнинг кўпчилик ширкат ва фермер хўжаликлари, пудратчилар ва якка фуқаролар ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланиб, эҳтимолда содир бўлиши мумкин бўлган молиявий зарарнинг олдини олмоқда. Бу эса бозор муносабатларининг тартиб ва талабларига тўла жавоб беради. Сабаби, табиий офатлар келтириши мумкин бўлган моддий ва жисмоний зарарлардан ҳеч ким кафолатли ҳимояланган эмас. Шу боис, кимки ҳар эҳтимолга қарши пухталик қилиб, мол-мулкини вақтида суғурталаб қўйса, фойдасини кўрса кўради-ки, зарарини кўрмайди.

Мамлакатимизда мавжуд **«Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарор ва Ўзбекистон Республикасининг **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги ҳужжат асосида суғурта хизматлари соҳасида эркинлаштириш жараёни жадал ривожланмоқда. Зеро, ана шу икки муҳим ҳужжат бу борадаги суғурта бозорини тараққий эттириш, суғурта ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Жамоамиз суғурта бозорида ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга 40 дан зиёд суғурта турлари билан 16 та ҳудудий бўлинмалари орқали хизмат кўрсатмоқда. Масалан, биргина қишлоқ хўжалик суғуртаси бўйича тўрт хил мажбурий ва ўн битта ихтиёрий суғурта турлари мавжуд.

Бугунгача олинган мажбуриятлар бўйича суғурталанувчиларга 1844,7 млн. сўм суғурта товони тўладик. Мазкур товонларнинг 1636,2 млн. сўми қишлоқ хўжалик корхоналари, 203,5 млн. сўми аҳоли ва 5,0 млн. сўми бошқа суғурталанувчилар улушига тўғри келди. 2003 йилда йиғилган умумий суғурта бадали ҳажми 362,9 млн. сўмга етди. Бу 2002 йилга нисбатан 64,0 млн. сўмга ортиқ. Эътиборли жиҳати, 2002 йилга нисбатан суғурта бадали таркибида ихтиёрий суғурта турлари кўрсаткичи 28,7 млн. сўмга кўпайди.

Юридик ва жисмоний шахсларга таклиф қилинаётган суғурта хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш ва хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида тарғибот ҳамда ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйганмиз. Жойларда агентлик шахобчалари тизими яратилди. Ҳозирга қадар уларнинг сони 21 тага етди. Улар асосан туман марказларидан узоқ жойлашган ва аҳоли гавжум бўлган қишлоқ фуқаролари йиғинлари, фермер ҳамда ширкат хўжаликлари идораларида ташкил этилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантириш, фермер хўжаликлари қамровини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган суғурта хизматларининг тариф ставкалари йил сайин пасайтириб келинаяпти. Хўжаликларда табақалаштирилган ставкалар жорий этилмоқда. Масалан, боғ ва токзорлар ҳосили суғуртаси бўйича жойлардан келаётган талаблар инобатга олинган ҳолда суғурталаш муддати узайтирилиб, суғурта ҳодисалари доираси кенгайтирилди. Илгари боғ ва узумзорлар фақат дўл урушдангина суғурталанган бўлса, ҳозирги кунда музлаш, гармсел уриши, жала ёғиши ва сел келиши каби табиий офатлар зарарларидан ҳам суғурталанади. Чунки, бирорта суғурта ташкилоти у қанчалик бақувват бўлмасин, табиий офатлар олдини олишга қурби етмайди.

Суғуртанинг моҳияти шундаки, фалокатлар натижасида етказилган зарарни қоплаш йўли билан зиён-заҳмат чекканларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Биз олиб бораётган қисқа муддатли суғурта турларидан бири — бу, қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш натижасида олдиндан кўзда тутилмаган харажатларни ихтиёрий суғурта қилишдир. Бу тур суғурта афзалликларини эндиликда кўплаб хўжаликлар чуқур тушуниб етишмоқда. Биласиз, табиий офат жуда кўп ҳолларда чигитни қайта экишга мажбур қилади, натижада етиштирилган ҳосил таннархи ортиб кетади. Бу эса аксарият хўжаликлар молиявий аҳволини оғирлаштириб қўяди. 2003 йилда чигитни қайта экишдан суғурта шартномасини тузган хўжаликларнинг 25 тасига 4368,4 минг сўм суғурта товони аниқланиб, шундан 2 ширкат хўжалигига 911,9 минг сўм ва 23 фермер хўжаликларига 3456,5 минг сўм товон тўладик. Жумладан, Хўжайли туманидаги «Найман» ширкат хўжалигига 567,8 минг сўм, Шуманай туманининг «Нур» фермер хўжалигига 433,9 минг сўм суғурта товонлари ажратилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 2003 йилда аҳоли билан тузилган шартномалар сони 278,5 мингтани ташкил этиб, олинган мажбуриятлар бўйича 51,9 млн. сўм суғурта товони тўланди. Амударё тумани, Беруний маҳалласи. С.Раҳимов кўчаси, 43-уйда яшовчи фуқаро Имонқул Худойқуловга бир бош қорамоли ҳаром ўлганлиги учун 200,0 минг сўм, Тўрткўл тумани «Улбиоғ» жамоасида яшовчи фуқаро Фарҳод Қазангаповнинг транспорт ёнғинидан зарарлангани учун 618,0 минг сўм, Нукус шаҳри, Қўнғирот кўчаси, 21-уйда яшовчи фуқаро Жақсигул Ерназарованинг бахтсиз ҳодиса натижасида олган тан жароҳати учун 125,0 минг суғурта товонлари тўлаб берилди.

Компаниямиз томонидан замон талаблари ва мижозлар таклифлари билан йил сайин суғуртанинг янги турлари ҳам жорий этилмоқда. Дейлик, спортчилар, сайёҳлар, мактаб ўқувчилари, оила аъзолари, ҳомиладор аёллар, болалар, қариялар ҳар хил бахтсиз ҳодисалардан суғурталаниб, шартномалар тузиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Компаниямиз кузатув кенгаши Меҳр-мурувват йилида ҳомийлик йўли билан Тўрткўл туманидаги 3450 нафар ва Шуманай туманидаги 750 нафар 1-синф ўқувчиларини ўз фойдамиз ҳисобидан бепул суғурталашга ва ушбу туманлардаги қишлоқ хўжалик корхоналарини суғурталашда тариф ставкалари 50,0 фоиз бўлган имтиёз қўллашга қарор қилди. Шунингдек, мазкур қарор билан «термит» чумолисидан иморатлари зиён кўрган фуқароларга ва боқувчисиз қолган қарияларга ҳам моддий ёрдам бериш кўзда тутилди...

**Суҳбатдош:
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири**

# XORIJDA

## ЎҚИШ 20 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ



Эндиликда Грузияда янги ўқув йили одатдагидек 1 сентябрда эмас, балки 20 сентябрда, аниқроғи, сентябрнинг учинчи ёки тўртинчи ҳафта душанбасидан бошланади. Республика таълим вазири Каха Ломая бу борада алоҳида қарор қабул қилди. «Ўқув йилининг бошланиш муддати ўзгартирилиши Грузиянинг иқлим шароити ва сайёҳлик мавсумининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, ўқув йилининг биринчи сентябрдан бошланиши грузинлар анъанасига хос эмас, балки собиқ коммунистик тизимдаги совет давридан мерос бўлиб қолган одат турларидан биридир» деди вазир матбуот анжуманида.

«Новости — Грузия» агентлигининг маълум қилишича, ўқув йили бундан буён 1 июлда якунланади.

## НАТО ВА ОЛИМПИАДА ХАВФСИЗЛИГИ

Шимолий Атлантика Альянси матбуот хизмати берган манбаларга асосланиб, «Новости» агентлиги хабар тарқатишича, НАТО олимпиада ўйинлари хавфсизлигини таъминлашда зарур ёрдам кўрсатажагини Греция ҳукуматига маълум қилди.

Шу йил 28-29 июнь кунлари НАТОга аъзо 26 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирокида Истанбулда бўлиб ўтган саммитда бу тадбир расмий қўллаб-қувватланган.

Шундай қилиб, олимпиада ўйинлари кунлари АВАКС разведкачи-самолётлари Греция осмонида, НАТО ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари эса мамлакат ҳудудига қарашли сувликларда патруллик қиладилар. Шунингдек, кимёвий, биологик, радиация ва ядро қуролидан ҳимоя қилувчи махсус бўлинма Афина шаҳрини қўриқлайди.

Бундан ташқари, халқаро террорчилар амалга оширмоқчи бўлган ҳар қандай ёвузликлар ҳақидаги разведка маълумотларини Греция махсус идораларига тезкорлик билан етказиб туради.

Умуман олганда, шаҳар хавфсизлиги кўча ва хиёбон, стадион ва майдонларга ўрнатилган 1400 та видеокамера ёрдамида кузатиб турилади. Ўйинлар хавфсизлигини таъминлаш учун 1 миллиард евро сарфланиши маълум бўлди. Бу маблағ Сидней ёзги олимпиада ўйинлари хавфсизлигига сарфланганидан тўрт марта кўпдир.

## ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН ҚАМОҚХОНА

Греция адлия вазири Анастасиос Папалигураснинг журналистларга маълум қилишича, олимпия ўйинлари бошланадиган кунга қадар хорижий ҳуқуқбузар томошабинлар учун алоҳида махсус қамоқхона очилган. У Американинг эски ҳарбий базаси ўрнида бўлиб, барча талабларга жавоб беради.

Шу ўринда нега янги қамоқхона очилди, деган савол туғилиши табиий. Чунки, Греция қамоқхоналарида шароит қониқарли эмас, бунинг устига қамоқхоналар маҳбуслар билан лиммо-лим — меъёрдан икки ҳисса ортиб кетган.

«Олимпиада ўйинлари даврида 1 миллиондан ортиқ хорижий ишқибоз мухлислар Афинага ташриф буюришади. Улар орасида безорилари бўлиши ҳам табиий. Биз безорилик қилганларни вақтинчалик камераларда сақлашга мажбурмиз. Қамоқхона бир вақтнинг ўзида 250 кишини сиғдира олади. Яхши шароитлар яратилган. Безорилар бу ерда бир неча кун ушлаб турилади, сўнг мамлакатдан чиқариб юборилади», — дейди Папалигурас.

## НЕФТЬ ЭКСПОРТИ ТЎХТАТИЛДИ

Ироқ қаршилик кучлари жангарилари Киркук — Жайхан нефть қувурини портлатишганларидан сўнг Ироқ муваққат ҳукумати нефть экспортини бутунлай тўхтатди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Экспорт қачон йўлга қўйилиши ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

## ЧИГИРТКАЛАР БОСҚИНИГА ҚАРШИ

Озиқ-овқатлар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича шуғулланувчи халқаро ташкилот Африка давлатларида қишлоқ хўжалиги чигирткалар босқинидан зарар кўраётганини эълон қилди. Экспертлар берган маълумотларга кўра, бу йил чигирткалар етказадиган зарар кейинги 15 йилда ҳали қайд этилмаган даражага чиқиши айтилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу зараркунандаларга қарши БМТ доирасида 9 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилган. Лекин бу кам, яна қўшимча ресурслар жалб этилиши лозим.

ВВС хабар беришича, чигирткалар босқинидан Мавритания, Мали ва Сенегал давлатлари қишлоқ хўжалиги кўп зарар кўрмоқда.



Австрия манзаралари

## ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Черногория парламенти жамоат жойларида чекишни, тамаки маҳсулотлари рекламаси ва тамакини телевидение орқали намойиш этишни тақиқловчи қонунни қабул қилди, дейилади BBC News ахборотида.

Бундан ташқари, 18 ёшга етмаган ўсмирларга сигарет сотиш ҳам тақиқланди. Кимки, бундай хатога йўл қўйса, 9110 евро миқдорида молиявий жаримага тортилади.

Ривожланган Европа мамлакатларида чекишга қарши қаратилган жараёнга Черногория шу йўсинда ҳисса қўшмоқчи.

Шуни таъкидлаш лозимки, собиқ Югославиянинг ҳуқуқий ворислари бўлган Сербия ва Черногория тамаки «истеъмоли» бўйича Европа мамлакатлари орасида Туркия ва Грециядан сўнг учинчи ўринда туради. Черногорияликларнинг 40 фоизи иш жойларида, ресторан ва барларда, ҳатто автобусларда ҳам чекадилар.

Яна бир гап. Италия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Европа Иттифоқи яқинда Черногория ҳукуматини кенг миқёсдаги сигарет контрабандасига аралашиб қолганликда айблади.

Қисқаси, чекишни тақиқлаш ҳақидаги қонун ярим йилдан сўнг кучга киради. Сербияда эса бу борада ҳали бирор бир тўхтамга келингани йўқ.

# ТРАНСПОРТЧИЛАР СЕМИНАРИ

Наманганда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Фарғона водийси вилоятлари транспортчиларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шаклидаги транспорт эгалари ўртасида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш борасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалда бажарилиши мавзуи атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, водий вилоятлари ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари раҳбарлари, «Ўзавтодарётранс» агентлигининг ҳудудий бўлимлари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, давлат солиқ инспекциялари вакиллари ўзаро тажриба алмашдилар.

**Носир АББОС**

*Журналист текшируви*

# МОЖАРОЛИ УЙ

## МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ФУҚАРО ЁРДАМ СЎРАБ МАҲАЛЛАГА АРЗ ҚИЛДИ. БУ ҲУҚУҚИЙ САВОДНИНГ ЕТИШМАСЛИГИМИ, ЁКИ?..

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди кассация судлов ҳайъатининг 2004 йил 23 апрель кунги ажримига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг 2003 йил 26 июндаги даъвогарлар Йўлдош Ўразметов ва Зуҳра Ўразметоваларнинг жавобгар Улуғбек Исмоиловга нисбатан турар жойдан чиқариш ва ўзларини турар жойга киритиш ҳақидаги даъвоси ва жавобгар Улуғбек Исмоиловнинг олди-сотди фактини ҳақиқий деб топиш, турар жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги қарши даъвоси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинди...

Мазкур ажрим Гурлан туманидаги «Вазир» қишлоғида хийла шов-шув ва эътирозларга сабаб бўлди.

Судлов ҳайъати ажримидан тўрт кун кейин қишлоқдаги «Бўзқалъа» маҳалла фуқаролари йиғилишида айнан шу воқеа муҳокама қилинади. Бунга фуқаро У.Исмоиловнинг аризаси сабаб бўлган. Иморат сотиб олган, элга қувониб тўй берган фуқаронинг ҳайъат ажримидан норози бўлиб, юқори инстанцияга эмас, маҳалладошларига мурожаат қилиши кутилмаган ҳол. Мазкур йиғилишдаги фуқаролардан баъзиларнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

**Я.ХОЛМУРОТОВ, «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги фахрийлар кенгаши раиси:**

— Мен 83 ёшдаман. Урушда бўлдим, ҳаётимда кўп нарсаларни кўрдим. Аммо, Ўразметова Зуҳра бундан уч йил олдин иморатини сотиб Янгибозор туманига кўчиб кетганини ҳамма билади. Иморат учун олган пулига Янгибозордан уй, трактор сотиб олган. Энди уйини сотиб олган одамни яксон этиб, иморатимни қайтиб оламан, деган хаёлда юрибди...

**Қ.МАДРИМОВ, фахрий педагог:**

— Улуғбекнинг ота ва онаси ўттиз беш йил мактабда ишлаб нафақага чиққан одамлар. У пешона тери эвазига топган пулига иморат сотиб олиб, ҳовлитўйи қилди. Ўразметова Зуҳра эса уйини сотган бўлса-да, бугун «йўқ сотганим йўқ, пулини олмадим», деб туриб олмоқда.

**Д.РАҲИМОВА, нафақахўр:**

— Мен Зуҳранинг собиқ қўшнисиман. 2001 йилда сув кам бўлди. Улар эса мўмай пул даромадини кўзлаб, Янгибозор туманидаги «Жайхун» ширкат хўжалигига кўчишга, у ёқда шоли экиб бойишга қарор қилдилар. Ўшанда мен унга «Зуҳра сабр қил, ҳали сув кўпаяди, бу ерда ҳам шоли экасизлар, болаларингнинг гапига кирма, элдан чиқма, эринг касалманд одам», деб айтдим. Улар эса уйини уч миллион сўмга сотиб кўчиб кетишди. Бугун эса Зуҳрани кўриб ҳайрон бўлиб турибман...

**О.ЎРАЗБОЕВ, қишлоқ оқсоқоли:**

— Мен Ўразметова Зуҳра ва Исмоилов Улуғбекларнинг иморат савдосида гувоҳ сифатида қатнашганман. Ўзаро келишувга мувофиқ, Улуғбек пулни ўз вақтида тўлади. Бу ҳақда тилхат олиниб, ҳаммамиз имзо қўйганмиз. Уйнинг эгалик ҳуқуқи шу вақтдан бошлаб Улуғбекка ўтди. Лекин Зуҳра нега бугунга келиб бундай даъво қилаётганига ҳайронман...

Йиғилишда сўзга чиққан ўн беш нафардан зиёд кишининг ҳаммаси шунга ўхшаш фикрларни билдиришди.

Авало, воқеага қисқача тўхталиб ўтсак.

З.Ўразметова оиласи билан «Деҳқонобод» ширкат хўжалигининг 9-бўлимида яшаб келишарди. 2001 йил уйни сотиш ҳақда бозорда оғзаки эълон беришади. Уйга қўшниси У.Исмоилов харидор бўлади. Аввалида хийла: «Сен туш, сен кўтар!» қилиниб, ниҳоят, уч миллион сўмга келишадилар. Харидор 2001 йил 14 июль куни келишилган пулнинг ярмини ва 1 сентябрда қолган ярмини сотувчилар ва гувоҳлар иштирокида тўлайди. Зуҳра Ўразметованинг кўзи ожизлигидан биринчи марта пулни олганлиги ҳақидаги тилхатни ўғли Фарҳод ёзади. Ушбу тилхатга қишлоқ оқсоқоли О.Ўразбоев, ён қўшниси Г.Тиловбоев ҳамда хонадон эгаси Йўлдош Ўразметовнинг акаси Турсунбой Ўразметовлар имзо чекишади. Пулнинг қолган қисмини бераётганда тағин Зуҳранинг хат ёзолмаслиги масаласи ўртага чиқади ва бу сафар тилхатни хонадон эгаларининг яқини — Зуҳранинг қайноғаси Турсунбой Ўразметов ёзади ва ушбу лабзи ҳалол ҳужжатга тағин қишлоқ оқсоқоли, ён қўшни, харидорнинг отаси Янгибой ака ҳамда айнан Зуҳра Ўразметованинг ўзи ҳам имзо чекадилар.

Энди лабзи ҳалолни қонунийлаштириш қолганди. Келишувга мувофиқ олди-сотди шартномаси учун давлат божини тўлаш сотувчи зиммасига юкланади. Аммо, Зуҳра Ўразметова янги жойга бориб ўрнашишлари, ер экиш учун трактор сотиб олмоқчи эканликларини айтади ва пул топгач, албатта шартномани нотариусдан ўтказамиз, деб ваъда беради. Хонадон яқинлари ва қишлоқ оқсоқоли иштирокида аҳду паймон ўртага қўйилиб, Улуғбекка уй тегади.

Ўразметовлар оиласи қўшни тумандаги хўжаликка кўчиб кетишади. У ерда икки йил деҳқончилик қилишгач, ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилади-ю, Ўразметовлар оиласи тағин ерсиз қолиб, эски қишлоқларига қайтишдан бошқа чора топишолмайди.

Биринчи босқич судига берган даъво аризаларида улар «Бизлар Янгибозор туманидаги «Жайхун» ширкат хўжалигида ижарада яшаганмиз, ўз уйимиз сотилганини билмай юрганмиз», деган важларни айтишди. Аммо, айтишларича, Ўразметовлар «Жайхун» хўжалигида Ў.Омонбоевга тегишли иморатни бир миллион 50 минг сўмга сотиб олишган. Бу ерда ҳам олди-сотди шартномаси нотариус орқали тасдиқланмаган ва икки йилдан сўнг «ижарада турган» уйни айнан Ўразметовлар бошқа бир фуқарога 2 миллион 200 минг сўмга сотиб юборишган экан.

Энди мана бу маълумотномага эътибор берайлик.

«Берилди, Гурлан тумани «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Ўразметова Йўлдошга шул ҳақдаким, у оиласи билан 2001 йилда яшаб турган иморатини шу қишлоқ фуқароси Исмоилов Улуғбекка сотиб кўчиб кетди. Унинг билан оила аъзолари 2001 йилда ҳисобдан чиқишган. 2003 йилда Ўразметов Йўлдош ва Ўразметова Зуҳралар қайтиб келиб, онаси уйига ҳисобда турган. Шу йили ширкат хўжалиги ҳудудидан иморат ўрни олиб, иморат қурган ва 2004 йил 1 январь ҳолатига Ўразметова Зуҳра ва Ўразметов Йўлдошлар янги хўжалик сифатида рўйхатга олинган.

«Вазир» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Иноятов».

Зуҳра Ўразметова судга ариза кўтариб борар экан, гўёки «эри ва ўзининг касалвандлигидан фойдаланган ўғли Фарҳод улар билан маслаҳатлашмасдан, яширинча уйни сотган», деб даъво қилишади. Аммо, ҳар иккала олди-сотди давомида қатнашгани ва ҳатто тилхатга имзо чеккани негадир эсидан чиқади.

Гурлан тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Қ.Раҳимов томонидан фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига берилган хулосада юқорида содир бўлган воқеа таҳлил қилинган. Яъни, Ф.Ўразметовнинг ота-онаси Й.Ўразметов ва З.Ўразметовалар қари, ожиз ва ногирон бўлса-да, улар муомала лаёқатига эга, ақли-ҳуши жойида бўлиб, қилаётган ҳаракатларининг аҳамиятини тўлиқ тушуниб етишган ва жойни сотган вақтида З.Ўразметова пулни ўзи олган, лекин тилхат ёза олмаслигини билдиргандан сўнг тилхатни биринчи гал ўғли ва иккинчи гал қайноғаси ёзиб беришган. Шу боисдан, гўёки уйни эгаларига билдирмасдан сотиб юборилди, дейилган фуқаролар ҳаракатида фирибгарлик жинояти аломатлари мавжуд эмаслиги қайд қилинган.

**Ўзбекистон Республика ФКнинг 112-моддасида** «агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тараф талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир» **деб белгиланган.**

Гувоҳларнинг кўргазмалари, олди-сотдининг илк босқичи бўлган ўзаро ишонч қоғози-тилхат ва бошқа ҳужжатлар ҳақиқатда ҳам амалда мазкур ҳолат — олди-сотди амалга оширилганини тасдиқлаб турибди. Уни қонуний ҳолатга келтириш, яъни нотариал расмийлаштириш ўз вақтида амалга ошмагани эса пулини олиб, уни расмийлаштиришни чўзган З.Ўразметованинг айби эмасми? Суд нега буни инобатга олмаган?

Судлов ҳайъати ФКнинг 228-моддасидаги «Мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли» ҳамда шу кодексининг 229-моддасидаги «Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли» дейилган кўрсатмаларга суянади.

Аввало, ҳақли савол туғилади: Улуғбек Исмоилов З.Ўразметованинг иморатини қонунсиз эгаллаб олдими? Эл катталари иштирокида савдолашиб, гувоҳлар иштирокида пулни тўламаганми? Ахир одатда мулк савдоси эл-элатларда шу тарзда амалга оширилади — нотариал расмийлаштиришнинг кечикиши ва бажарилмаслиги бир томоннинг ҳаракатсизлигидан бошқа нарса эмас.

Янада қизиғи, майли Фарҳод Ўразметов уйнинг ҳақиқий эгаси бўлмиш ота-онасидан яширинча уйни сотди дейлик. Улуғбек имморат ҳақини унга тўлади, деб тахмин қилайлик. Аммо, тилхатда З.Ўразметованинг имзоси турибди-ку!

Назаримизда бу масала янада чуқурроқ таҳлилни талаб этаётганга ўхшайди.

**Абдулла СОБИРОВ,
Рўзимбой ҲАСАН**




# МАКТАБЛАР УЧУН ДАРСЛИКЛАР ЕТАРЛИМИ?

## ЁХУД, ФАРЗАНДЛАРИГА КИТОБ СОТИБ ОЛИШНИ ЎЙЛАЁТГАН ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Саноқли кунлардан сўнг мамлакатимиз таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланади. Буни айниқса, дам олиш оромгоҳларида мароқли дам олган илмга ташна фарзандларимиз интиқлик билан кутишмоқда. Таълим олишда эса ўқув дарсликларининг ўрни беқиёс. Айни кунларда ота-оналар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш билан банд.

Хўш, жорий йилда республикамиз мактаб ўқувчилари учун неча ном ва сондаги дарсликлар керак? Уларни нашр этиш аҳволи қандай? Дарсликларни харид қилишда тақчиллик юзага келмайдими? Мактаб ва бозорлари ва дўконларда сотилаётган дарсликлар ўрта мактаб таълим дастурларига мосми?

Маълумки, республика Халқ таълими вазирлиги ҳар йили ўрта мактаблар учун зарур бўлган дарсликларни ҳисоблаб чиқади. Ва белгиланган тартибда айрим муҳим дарсликларни бюджет маблағлари ҳисобига нашрдан чиқаради ва шартномалар тузади. 2004 йилда ҳам Матбуот ва ахборот агентлиги нашриётлари мазкур вазирлик билан тузилган шартнома ва келишувлар, тавсиялар асосида ўқув қўлланмаларини ўз вақтида сифатли чоп этиш чораларини кўрмоқда.

Агентлик тизимидаги нашриётлар 2004-2005 ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги тавсиясига кўра 9 миллион 187 минг 600 нусхадаги мактаб дарсликлари чоп этишни режалаштирган. Шу йилнинг 1 августигача эса режадаги дарсликларнинг 8 миллион 336 минг 600 нусхаси нашр қилинди. Шунингдек, нашриётлар омборларида илгари чоп этилган 1 миллион 600 минг нусхадаги дарсликлар фойдаланишга тайёр ҳолда турибди. Хуллас, янги ўқув йилига мактаблар учун 9 миллион 936 минг 600 та китоб тахт. Бундан ташқари, агентлик қўшимча 850 минг нусха дарслик чоп этишни ҳам мўлжаллаб турибди.

Яқинда бўлиб ўтган Матбуот ва ахборот агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида Халқ таълими вазирлиги тавсиясига кўра, нашриётларда чоп этилган дарсликлар бугун ўрта мактабларда ўқитилаётган ўқув фанлари талабларига тўла мос келиши таъкидланди. Фақатгина етарли нашр этилган китобларни имкон даражасида ўз ўқувчисига етказиш чоралари кўрилиши лозим. Акс ҳолда, мактабларда китоб танқислиги ҳоллари кузатилиши мумкин.

Ҳайъат йиғилишида ушбу масала таҳлилий кўриб чиқиларкан, китоблар сотувини ташкил этишда нашриётлар томонидан муайян ишларга қўл урилаётганига қарамасдан айрим муаммолар ҳануз сақланиб қолинаётгани айтилди.

Китоб савдосидаги муаммоларга барҳам бериш ва соҳани такомиллаштириш мақсадида «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганди. Нашриётларнинг берган маълумотига кўра, 2004 йил 1 август ҳолатига мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмаларининг 263 номдаги 7 миллион 464 минг 400 нусхаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабларга тарқатилган бўлса, «Ўзкитобсавдо» ДАК Абу Али ибн Сино нашриётидан атиги 6 номдаги 16 минг 468 нусхадаги дарслик, «Ўзкитобсавдотаъминот» АЖ нашриётлардан 19 номдаги 102,8 минг нусхадаги, бошқа савдо корхоналари эса 47 номдаги 168,3 минг нусха дарсликни сотиш учун харид қилган. Бу эркин савдо учун мўлжалланган дарсликларнинг тахминан 15 фоизини ташкил этади, холос. Ҳолбуки, китобларнинг салмоқли қисми эркин савдо орқали ўқувчиларга етиб бориши керак.

Шунингдек, йиғилишда мамлакатимизда шакллантирилаётган эркин бозор муносабатларидан келиб чиқиб, китобларни арзон нархда чоп этиш, айниқса, мактаб дарсликлари ва бошқа ўқув қўлланмалари нархини имкон даражасида камайтириш бўйича жиддий қадам қўйилгани айтиб ўтилди. Бунда, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим рол ўйнагани таъкидланди. Мазкур қарорга кўра, агентлик тизимидаги 13 нашриёт ва босмахоналар негизида 4 та нашриёт-матбаа уйи ҳамда 1 та давлат нашриёти ташкил этилган. Бошқарув тизимидаги бу ислоҳотлар ўз навбатида салмоқли маблағларни тежашга йўл очмоқда.

Хуллас, ушбу ҳайъат йиғилишида кўтарилган масалалар жиддий муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш жоизки, агентлик тизимида юз бераётган жиддий маъмурий, иқтисодий ислоҳотлар ўз маҳсулини бермоқда. Буни биргина ҳайъат йиғилишида кўрилаётган масалалар таҳлилидан ҳам янада ёрқинроқ англаш мумкин. Ишонамизки, бундан кейин ҳам келажагимиз бўлган ёш авлоднинг таълим олишида муҳим рол ўйнайдиган ўқув қўлланмалари ва китоблар сифатли, арзон нархда ҳамда етарли миқдорда чоп этилади. Ва бу масалада муаммолар ўз ечимини топади.

**Фарҳод ҲОЖИЕВ**

---

## ОСИЁ ЧЕМПИОНИНИ КУТИБ...

**Спорт**

Футбол бўйича Осиё чемпионати бугун поёнига етади. Қизғин ва муросасиз баҳслардан кейин якунловчи учрашувда Хитой ва Япония терма жамоалари куч синашадилар. Қизиғи шундаки, бу жамоалар «А» ва «Д» гуруҳидан чиқишган. Хитойликлар Қатар, Баҳрайн, Иордания жамоаларида устун келиб, чорак финалга йўлланма олишган бўлса, японлар Эрон, Таиланд, Уммон футболчиларини доғда қолдиришди. Хитойликлар чорак финалда Ироқ футболчиларини енгишди. Японлар эса Иордания жамоасидан устун келди. Ярим финалда эса хитойликлар Эрон футболчиларини мағлубиятга учратишди. Японлар эса Баҳрайн жамоасини енгишди. Шу тариқа кеча Осиё чемпионатида учинчи ўрин учун Баҳрайн ва Эрон жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бугун эса Осиё чемпионлари номи кимларга насиб этиши маълум бўлади.

**Интер-спорт**

## ТАЙСОН РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ

Ўта оғир вазнли жаҳон экс чемпиони, моҳир боксчи Майк Тайсоннинг Дэнни Вильямс билан жангда шармандалик мағлубиятга учрагани ҳаммага маълум. Лекин Тайсон бўш келмайдиган кўринади. «Мен ҳали жанг қилиб, ниятимга етишим мумкин, — дейди Тайсон. — Дэнни билан жангга ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан тайёр эдим. Аммо биринчи раундда бироз шошқалоқлик қилишим ҳамда тиззамдан жароҳат олишим менга панд берди. Оқибатда ўнг тарафдан кучли зарб беришга имкон тополмадим». Мутахассисларнинг фикрича, Тайсоннинг жароҳати асоратсиз кечса яна бир неча ойдан кейин у рингга кўтарилиши, керак бўлса Дэнни билан «ҳисоб-китоб» қилиши мумкин экан.

## ОШИҒИ БЕҚАРОР МУРАББИЙ



Буюк Британия футбол уюшмаси бошқаруви аъзоларининг етти соатлик мажлисидан кейин мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Свен-Йоран Эрикссоннинг ишқий масаладаги жанжалли воқеасига нуқта қўйилди. Бошқарув аъзолари далил ва исботларга ҳамда ҳуқуқшуносларнинг хулосасига таянган ҳолда мураббийнинг бу борада ҳеч қандай айби йўқ деган тўхтамга келишди. Шарҳловчилар эса мураббийни уюшмада котибалик қилувчи Фарин Алам билан қандайдир яқинлиги борлиги ҳақида мулоҳаза юритишмоқда. Бундай гаплардан кейин Фарин ўз аризасига мувофиқ ишдан кетиб қўя қолди. Лекин, Эрикссоннинг ишқий масалага мойиллиги ҳақидаги миш-мишлар тўхтамаяпти. У ҳозир ҳам 56 ёшига қарамай, швециялик телеюлдузга хушомад қилиб юргани маълум. Лекин унинг бу ҳаракатлари умумий ишга зарар етказмаяпти.

---

**Бугунги меҳмонимиз**

# МУҲАББАТ ВА ВАТАН КУЙЧИСИ



Ҳар кимнинг ўз севган санъаткори бўлади. Кимгадир оғир-вазмин оҳангдаги мақом ёқса, кимгадир шўх эстрадада қўшиқлари ёқади. Биров чет эл ашулаларининг ишқибози бўлса, бошқа биров эса чолғу асбобларининг рақсбоп маромларини хуш кўради. Бу табиий ҳол. Ва яхши куй инсон қалбини чароғон этса, яхши қўшиқ қалбларда эзгулик ҳисларини уйғотади.

Истеъдодли хонанда Муҳаббат Ғафурова куйлаган қўшиқлар ҳам тингловчини беэътибор қолдирмайди. Чунки унинг ширали овози, қўшиқларидаги нола қалб торларини чертиб тўлқинлантириб юборади.

Муҳаббат Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрида таваллуд топди. У болалигидан Амударё бўйларида юриб, қўшиқ хиргойи қилди. Дарё мавжларини кўриб ҳайратга тушди, шунда ўзининг тошиб-тошиб қўшиқ куйлагиси келди. Муҳаббатни дунёга келтирган оилавий сулолада санъаткорлар ўтмаган бўлсада, ушбу хонадонда устоз санъаткорларнинг қадами узилган эмас.

— Болалигим хотирасида азиз бир инсон сиймоси яшайди, — дейди Муҳаббат. — Эсимда, бир куни уйимизга чеҳраси нуроний меҳмон келган. «Комилжон ҳофиз» ҳовлимизда қўшиқ куйлаганда эшик ортида чўккалаб ўтириб, хонишларини эшитганман. Қўшиқ эшитиб негадир митти юрагим сел бўлиб, кўзларимга ёш қуюлган. Бу классик оҳанг эди. Бу менинг санъат деган даргоҳга илк қизиқишим бўлган бўлса, ажабмас... Ҳозир эстрада йўналишида ижод қилсамда, ўша сеҳрли оҳанг руҳимни чўлғаб туради...

У илк бор Тўрткўлнинг 100 йиллик тўйига бағишланган тантанали кечада катта саҳнага чиқди. Ўшанда у ҳали ёш қизалоқ, бор-йўғи 3-синфда ўқир эди.

Шу-шу у саҳнага чиқади, куйлайди, дилрабо куйларга вобаста дилбар овози билан шинавандаларга хушнудлик бахш этади. Хонанда ўз устида тинмай ишлайди, қўшиқбоп шеърлар қидиради, куйлар тинглайди ва янги-янги қўшиқлар яратади.

Хонанда «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Юртбошимиз сиз учун, мен учун», «Тановар», «Ўзга сайёра», «Бегим», «Севгилим», «Не гуноҳ», «Бахтим», «Ёндирар», «Жаќу», «Кўзларим сўзлар», «Шайдоман», «Севмасанг», «Ёнимдан», «Сени излаб», «Ҳавас» сингари тароналарни маромига етказиб куйлаганда, эшитган юрак сел бўлиб кетади, нолаларидан руҳимиз меҳр-шафқат, инсоний оқибат, мурувват нурига чулғанади, яхшилик ҳақида ўйлай бошлайди.

Муҳаббат Ғафурова Пўлат Мўмин, Муҳаммад Юсуф, Шукур Қурбон ва Нормурод Нарзуллаев сингари таниқли шоирларнинг шеърларини қўшиқ қилган. Хонанда енгил-елпи матнлардан қўшиқлар яратишга қўл урмайди.

— Ўзбекистон Телерадиосининг эстрада-симфоник оркестрига хонанда бўлиб ишга келишим ҳаётимдаги энг катта воқеа бўлди, — дейди Муҳаббат Ғафурова. — Чунки, мен бу даргоҳда эл севган улуғ санъаткорлар Ботир Зокиров, Муҳаббат Шамаева, Илёс Маллаев, Козим Қаюмов, Мансур Тошматов, Шоҳбоз Низомиддиновлар билан ҳамкорликда ижод қилдим. Бунга ҳам 20 йилдан ошди. Менга айниқса, саҳна сирини ўрганишимда эл ардоқлаган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг меҳнатлари кўп сингган. Ҳалиҳануз у инсоннинг руҳи мени гўё қўллайди. 1990 йилда ана шу инсоннинг хотирасига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловнинг совриндори, 1995 йилда ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида эса «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» қўшиғим билан биринчи ўринга сазовор бўлдим. Шуни ҳам айтишим кераккки, мендан бир неча йил кейин София Сафторова ҳам ана шунга ўхшаш ажойиб бир қўшиқ яратди. Мен Софияхоннинг қўшиғи ҳам машҳур бўлиб кетганидан хурсандман.

Бугун бизнинг йилдан-йилга юксалаётган ажойиб миллий эстрадамиз бор. Бироқ унинг равнақи учун ҳозир қайғурмасак, эртага кеч бўлади. Устозлар санъаткорларнинг қўшиқлари, мана, 40 йилки, эстрада саҳнасидан тушмаяпти. Нега?

Бу саволни иккита-учта қўшиғи билан телевидение ва радиода ўзини реклама қилишга уринаётган ёшлар бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Дарҳақиқат, бу саволни ҳаммамиз ўйлаб кўришимиз керак. Шунда эстрадамиз нуқсондан ҳоли бўлади ва қўшиқларимиз умрбоқий бўлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор кескин ортмоқда. Муҳаббат Ғафурова ҳам ўзбек аёлига бағишлаб навбатдаги янги қўшиғини ниҳоясига етказмоқда.

Яқинда Муҳаббат Ғафурова Меҳр-мурувват йилига бағишлаб Ўзбекистон Миллий консерваторияси саҳнасида «Соғинч» деб номланган концерт қўйди. Бу дастур кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Пойтахтдаги болалар уйи тарбияланувчиларига хонанда бепул чипталар тарқатди.

Хонанда ҳозир жўшиб-жўшиб муҳаббат, Ватан, бахт-иқбол, ота-она, савоб ва меҳр, вафо ва садоқат ҳақида янги-янги қўшиқлар яратиш режалари билан банд.

Ҳар гал Муҳаббат куйлаганда латифзабон хонанданинг қўшиқлари томошабинни ҳайратга солади. Бу жарангдор овоз таъсиридан юраклар тўлғонади, жисму жон яйрайди. Қўшиқ тўхтайди, бироқ оҳанглар силсиласи инсон вужудини тарк этмайди...

**Бардамбек ДАВЛАТМУРОДОВ**

---

Журналнинг июль-август ойларига мўлжалланган сони Ўзбекистон Давлат консерваторияси кафедра мудири Азамат Ҳайдаровнинг «Сиёсий маданият ва унинг жамиятдаги ўрни» мақоласи билан очилади. Шунингдек, бухоролик олим Мамедқули Мустафоевнинг «Жамоатчилик назорати — жамият мувозанати» номли мақоласида демократия тамойиллари тўғрисида мушоҳада юритилади.

Маълумки, мустақиллик туфайли мамлакатимизда илм-фан ривожи ва унинг юксалиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. Ёш олимларимиз олиб бораётган изланишларга хорижда ҳам қизиқиш ортмоқда. Мазкур сонда

## «МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ




илм йўлида мўъжизалар яратаётган ёш тадқиқотчилар журнал меҳмони бўлишган. Жумладан, Даврон Матрасулов, Дилафрўз Қодирова, Шавкат Орипов, Нормурод Файзуллаев, Моҳир Маҳкамов, Юсуфбек Казбеков, Мақсет Қарлибаев, Гулнора Ихтиёрова ва Баҳодиржон Онорбоевнинг турли мавзулардаги мақолалари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Мазкур сонда Алишер Навоийнинг машҳур «Арбаъийн», филолог олим Шавкат Ҳайитовнинг «Одоб нури» мақоласи ва «Ахлоқ бўстони» саҳифаси инсоний комиллик фазилатларидан сўз очади. «Хотира» рукнида эса Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг атоқли мусаввир Қутлуғ Башаров ҳақидаги «Башарнинг қутлуғ ўғли» номли ёдномаси эълон қилинган.

Тарих ихлосмандлари ушбу сонда Абдурашид Абдураҳмоновнинг «Кавказ халқлари ижодида Амир Темур сиймоси», Термиз давлат университети профессори Сайфулло Турсуновнинг «Амударё флотидаги «Царица» кемаси» номли тадқиқотлари билан танишадилар.

Бундан ташқари, журналда Гулноза Раҳимованинг «Демократия — хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоячиси», ёш олим Абдулбоқи Бозоровнинг глобаллашув муаммосига бағишланган «Инсоният тарихида янги давр» мақолаларига ҳам ўрин берилган.

**Рашид РАУПОВ**

---

**Ҳикматли сўзлар маъноси**

### ОҒЗИ БОТИРНИНГ ЎЗИ БОТИР БЎЛМАС

«Оғзи ола элга ёв келар» («Оғзи ола» — бир-бири билан келишмаган, аҳил, тотув бўлмаган, бирининг гапига бири кирмаган, деган маънода); «Кўп гапирган — душманга қўл келади» (Чунки, «Оғиз оғиздан ел олади» деганларидек, ҳар нарсани ҳар кимга гапираверилса, оғиздан оғизга ўтиб, қулоқдан қулоққа етиб, эл-юртнинг сир-асрори ҳатто душманнинг ҳам қулоғига етиб боради, бу эса унга қўл келади», демоқчи бўлганлар); «Сўз билмаган эр — Эл бошига ёв келтирар»; «Оғизда — бийрон, амалда — ҳайрон»; «Оғзи билан «ўроқ ўрган» — оёғи билан «машоқ теради» (Ғаллани ўриб-йиғиб олгандан кейин ерга тўкилиб қолган бошоқларни «машоқ» дейдилар); «Дангаса — сўзга моҳир, ишга коҳил» (коҳил — сусткаш, ялқов, ишёқмас); «Оғзингни очгунча, кўзингни оч!»; «Оғиз бўлма, оёқ бўл!»; «Оғиз югуруги — бошга, оёқ югуруги — ошга» («Кўп гапирган одам бошига бало орттиради, кўп юрган, кезган одам ошга етишади, ошнинг устидан чиқиб қолади», дейилмоқчи); «Оғизликка — сўз, оёқликка — йўл»; «Сўз отаси — қулоқ, йўл отаси — туёқ»; «Сув онаси — булоқ, сўз онаси — қулоқ»; «Оғиз — бир, қулоқ — икки, бир сўзлаб, тингла қирқ икки»; «Бир сўзла, қирқ тингла»; «Оз сўзла, кўп тингла».

---

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Маҳсулот сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63 факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

*2004-2005 ўқув йили учун «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги бўйича магистратурага қабул танловини эълон қилади*

**МАГИСТРАТУРАДА ЎҚИШ**

- «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги;
- «Давлат солиқлари ва йиғимлари» мутахассислиги бўйича олиб борилади.

Магистратурага бакалавриатни тугатган, бакалавр даражасига ва дипломли мутахассис малакасига эга бўлган, солиқ идораларида камида икки йил ишлаган фуқаролар танлов йўли билан қабул қилинади.

Магистратурада таҳсил олишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

— мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
— солиқ идоралари раҳбарларининг тавсия-йўлланмалари;
— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг (иловаси билан) асл нусхаси;
— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
— 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
— 3х4 (бош кийимсиз) ўлчамдаги 6 дона фотосурат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

**ҲУЖЖАТЛАР 2004 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**Магистратурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

** Фан ва ихтисосликларнинг муайян билимлар блоки бўйича: иқтисодиёт асослари, молия ва кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ ҳуқуқи, солиқлар ва солиққа тортиш.

** Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.

** Хорижий тиллар (суҳбат).

**МАНЗИЛИМИЗ:** *Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси 1-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси.*

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: *75-56-92, 74-19-98, 117-44-88.*

**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7748 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA